




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар иқтисодий-сиёсий газетаси

№ 143 (9.181)

1998 йил

4 декабрь, жума

Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

Юртга фидойилар керак

БАТАН ҚИСМАТИ — МЕНИНГ ҚИСМАТИМ

Маълумки, бир гуруҳ юртдошларимиз янги сиёсий куч — Фидокорлар миллий-демократик партиясини тузиш ҳаракатини бошладилар. 2 декабрь куни давлатимиз раҳбари Ислам Каримов маъмур ижтимоий ҳаракатнинг ташаббус гуруҳи аъзоларини уларнинг илтимосига қўра қабул қилди.

Истиқлолнинг ҳар бир йили мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида янги саҳифа, янги давр очмоқда. Ҳар йилнинг ўз мақсади билан бир қаторда ижобат толган амалий иш, яратувчилик бунёдкорлиги бор. Вақт ўтган сайин олдимизга қўйган мақсад муаммоларимиз қўламини ҳам, мазмунини ҳам янгиланиб, ўзгариб бормоқда. Ана шу ўзгаришлар ичида — озод, ҳуқуқий-демократик давлат қуришдек улғувор мақсадимиз собитдир, ўзгармасдир!

Ўз иштиросига етаётган 1998 йил мамлакатимиз тарихига ватанпарвар, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган фидойи ёшларнинг ўйғониш йили деб кирса ажабмас. Ўйлаб-ўйлаб Ислам Каримовнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислохотлар ва Ватанимиз келажаги тақдирини ёшларга ишонаман ва уларга сўянаман, деб айтган гаплари юртимиз фидойилари қалбига акс садо берди. Улар Ватан, халқ манфаатлари йўлида, Ўзбекистоннинг буюк келажаги ва улғу саодати йўлида ягона сиёсий куч атрофида бирилашиб таъйёр эканликларини изҳор этишди.

Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгаши сессияларидан, Ўйлаб-ўйлабнинг Телерадио компания раиси саволларига жавобларидан сўнг ёшларнинг тахририятимизга йўллаётган хатларида Давлатимиз раҳбари сиёсатини — **Адолат, Ҳалоллик ва Фидойилик** йўли деб атамоқдалар. Юртбошимиз маърузалардан ёшлар ўзларини ўйлаштириб келатган қўлпаб саволларига жавоб топишди. Энг муҳими ҳаром йўл билан бойлик толган, эл-юрт манфаатларидан ўз шахсий манфаатини устун қўйган, қиёра ҳавога берилиб оёғи ердан узилиб қолган бир ҳовуч қимсалар ҳеч қачон юртимиздаги улғувор ўзгаришларга соя сола олмагани, Ватанимиз, миллатимиз юзини, сўзини ҳамма

вақт ҳалол, меҳнаткаш ва фидойи одамлар белгилаганлигини барчамиз ана бир бор англаб етдик.

Бугун Ўзбекистоннинг истиқбол тараққиётини ўзида, жамулжам этган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалар бўйича аниқ дастурлар мавжуд. Эндиликда ана шу дастурларни амалга ошириш, уларни муттасил равишда янгиллаб, бойитиб, ҳаёт олдимизга қўётган муаммолар ечимларига йўналтириб борадиган сиёсий куч лозимлигини Ўйлаб-ўйлаб алоҳида таъкидлашди.

Давлат ўзининг стратегик мақсадларини аниқлаётган ва амалга ошираётганда жамиятда муҳассамлашган қулиғари таянади. — Давлатимиз раҳбари вужудга келатган янги сиёсий кучга ана шундай баҳо ва таъриф берди.

Мамлакатимиз тақдирини ҳақида сўз катар экан, ёшлар ҳеч қачон тарих Сабонини унутмасликларини керак, ундан сабоқ чиқаришлари шарт, деб Ўйлаб-ўйлаб алоҳида уқтирар эканлар, ўтган аср ўрталарида юртимизнинг қулиқ исканжасига тушиб қолиш сабабларини таҳлил қилиб — ҳар қайси халқ, миллат олдида буюк ва ёрқин мақсад бўлиши ва бу мақсад халқни бириктириб, уни амалга оширишга ҳамма фидойилик қилиши зарурлигини таъкидлашди. Ана шундай мақсад бўлмаган халқ инқирозга учрайди.

Бизнинг барча савий-ҳаракатларимиз жамиятда соғлом қулар ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган. Бу учун — **шу азиз Ватанимиз қисмати — менинг қисматим деб билгувчи, мамлакатимиз эр-танги кунни масъулиятини ўз зиммасига ола билгувчи, халқ манфаати учун фидойи ва ўз-ўзидан ҳеч қачон мамнун бўлмайдиган ёшларга таянамиз, дедилар Юртбошимиз.**

Ўзбекистонлик ёшлар ва ватанпарвар фидойилар ҳеч қачон ва ҳеч бир замонда бу қадар улғу ишонч ва масъулиятга мушарраф бўлмаган эдилар. «Ватан қисмати — менинг қисматим» деган сўзининг ўзида нақадар улғу ва қудратли маъно бор. Ана шу МАЪНОНИ ҳаётимиз, ишчимиз маъносига айлантириш учун ҳам яшасак арийдим. Зеро, бу ёруғ оламда Ватан битта-дир, Ватан ягонадир.

Жалолиддин МИРЗО.

ЯНГИЛИКЛАР • ВОКЕАЛАР • ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кеча АҚШнинг «Кейс» корпорацияси раҳбари Жан Пьер Росо бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан «Кейс» корпорацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан кенг фикр алмашилди, мавжуд лойиҳаларнинг амалга оширилиш жараёни ва янги режалар қўриб чиқилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти «Савдо ва умумий оқватланиш корхоналарида солиқ солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги» Фармонга имзо чекди.
- Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетини лойиҳаси қўриб чиқилди.
- Вазирлар Маҳкамасида туризмни ривожлантириш бўйича идораларо кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.
- Кеча пойтахтимиздаги Темирйўлчилар маданият саройида Халқаро ногиронлар кўнига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди.
- Навбахор туманидаги «Доришўнос» жамоа фирмаси Франциянинг «Брифакс» компанияси билан ҳамкорликда чанқовбосди ичимликларни ташлаш бўйича линияни қўриб фойдаланишга топишди.
- Ўзбекистон темир йўллари давлат акциядорлик темирйўл компаниясида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон-Россия-Швейцария «Шостранс» қўша корхонасининг сифат юлдузи мукофоти билан тақдирланишга бағишланди.
- Хамза номидидаги ўзбек Давлат академик драма театрида ўтказилган кеча ўзбек миллий театрининг асосчиларидан бири, таниқли режиссёр, актёр ва драматург, Ўзбекистон халқ артисти Маннон Уйғур таваллудининг 100 йиллигига бағишланди.
- Ўзбекистон Москвада Жаҳон иқтисодий анжумани ўз ишчи бошладди.
- Россия Президенти Борис Ельцин 1999 йилни Кексалар йили деб эълон қилди.
- Ўзбекистон Молдова қасаба уюшмалари ўзларининг турмуш даражаси пасайишига қарши умумий норозилик намойишини ўтказишни режалаштирганлар.
- Халқаро валюта жамғармасининг ижрочи

директори М. Камдессо ўзининг Москвага қилган таширифи якунларига тўхталиб, Россия билан ҳамкорлик давом этажаклигини, бироқ бундан кейин ажратиладиган кредитлар яна қўриб чиқилишини айтди.

АҚШ Президенти Билл Клинтон 12—15 декабрь кунлари Исроил ва Фаластинга сафар қилиш ниятида. Сафар давомида у Исроил Бош вазирини Бенямин Нетаняху ва Фаластин раҳбарини Ёсир Арафот билан учрашди, сўнгра икки мамлакат халқлари ҳузурда нутқ сўзлайди.

Тоилисда МДХ мамлакатлари чегара қўшинлари кўмондонлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Кеча Брюсселда Европа Иттифоқи мамлакатлари ички ишлар вазирларининг учрашуви бошланди. Учрашууда ана шу мамлакатлардан сиёсий бошланив сўрайдиганларнинг бармоқлари излари бўйича маълумотларини ўйлаштириш билан ташкил этиш муаммолари муҳокама этилди.

Тожикистонда республика Марказий банки бошқаруви раисининг ўринбосари Н. Валиев уғирлаб кетилди.

Франция ва Германия раҳбарлари Потсдамда Герхард Шрёдер Германия канцлери этиб сайлангандан буюн дастлабки учрашувини ўтказишди. Икки мамлакат раҳбарлари учрашувида келгуси йилнинг январь ойидан бошлаб ягона Европа валютаси — еврони жорий этиш ва Европа иттифоқини ислоҳ қилишининг асосий масалалари муҳокама қилинди.

Кеча Вашингтонда бу ерга таширф билан келган Покистон Бош вазирини Намош Шарифнинг АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ислам партияси гузаллик танловларини ўтказишни таъкидлаш талаби билан чиқди.

Камбоджа қироли Норором Сианукнинг мамлакатда барқарорлигини таъминлаш юзасидан қилаётган савий-ҳаракатлари муваффақият билан якунланди. Шаҳзода Ранарит ва иккинчи Бош вазир Хун Сен қўлашқан ҳукуматни Хун Сен бошчилигида тузишга қилишди.

Халқаро кураш уюшмаси конгрессининг қарорига биноан келгуси йилда 3 апрелдан 3 майгача Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлади.

Кеча Таиландда XIII Осиё ўйинлари доирасида футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма командаси Қўвайт терма командаси билан учрашди. Унда 3:3 ҳисоби қайд қилинди.

Ўзбекистон футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма командаси Мўлулустон футболчиларига қарши майдонга тушади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ—КУНИ—ОЛДИДАН

37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда қўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Саноат

ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ


Бозор иқтисодиётининг корхоналар олдида қўйган ўз талаблари бор. Бу талаблардан бири — оғир ўқун эмас, харидор ўқун маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

Пойтахтимизда фаолият қўрсатаётган «8-темир-бетон буюмлари заводи» ҳиссдорлик жамияти жамоаси ҳам бугунги шартларда сифати ва зарур маҳсулотлари билан ўз харидорларига эга бўлмоқда. Мушаккилликнинг шарофатини таъминлаш учун Рауфшон Шарипов — 30 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилаётган бу цехда ҳозир кўнига 80 кубометр ҳажмида том ёнида ишлатиладиган плиталар ишлаб чиқаришмоқда. Бозор биздан янги-янги маҳсулотлар яратишни талаб қилаётганини мутахассисларимиз етарлича англайдилар. Шу боис ҳам жамоамизда бундан бир неча ой аввал «Тошуйжойинвестуриш» корпо-

рацияси билан ҳамкорликда қурилишда ниятда зарур бўлган электродлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Фаолият қўрсатаётган янги электрод цехимиз Қозғистон ва Россиядан келтирилган дастурулар билан жиҳозланган. Ана шу замонавий ўқунларнинг шарофати ҳамда ишчиларнинг унумли меҳнати натижасида ҳозирда кўнига цехда 500 килограммдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Яқин кунлар ичида эса буюртмачиларнинг қўлигини инобатга олиб, бу рақамни 3-4 баробарга оширишни мўлжаллаб турибмиз.

Электрод тайёрлашда 70 фоиз ўзимизнинг хом ашёдан фойдаланаётганимиз анчагина маблагни тежаш имконини берди. Чунки илгарилари бу тайёр маҳсулотни сотиб олишга икки баробар кўп маблаг сарфланарди. Қолган 30 фоиз хом ашё эса ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган Украина ва Россиядан келтирилмоқда.

Ҳиссдорлик жамиятининг асосий буюртмачилари «Тошуйжойинвестуриш» корпорацияси ҳамда «Тошметро-қурилиш» бирлашмалари маҳсулотларини пешма-пеш ўз вақтида етказиб бераётгани учун корхона жамоасидан мамнун. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, корхонани улғусиз равишда хом ашё билан



таъминлаётган Бекобод металлургия заводи, Охангарон цемент ҳамда Чиноз шағал заводалари ахли унинг муваффақият билан ишлашига ўз улушини қўшмоқдалар.

Бугун корхона маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда. Шу боис ҳам бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларни пойтахтимизнинг барча қурилиш майдонларида учратиш мумкин. Шуниси муҳими, бозор иқтисодиёти талабларини тўғри англаган жамоада хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Шоира ИСМАТОВА. СУРАТЛАРДА: корхона ишчилари ҳамма ўз иш ўринларида сифатли маҳсулот тайёрлашни ўйлайдилар.

Рашид Галиев олган суратлар.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Ҳўжалик юртишнинг янгида янги усуллари ва йўллари излаб топиш ва ана шу усуллардан самарали фойдаланиш бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ўз истиқболини ўйлаган ҳар бир ташкилот ва корхона учун зарур омил бўлиб қолди.

Ана шунинг тўғри тушулган республика Ички ишлар вазирлиги моддий техника ва ҳарбий-таъминот бошқармаси жамоасининг изланишлари бугун ўз натижасини берди. Илгарилари яқна буюртмалар асосида қийим-кечаклар тайёрланган цех ҳозирда кенгайтирилди ва Малайзия мамлакатига мутахассислари билан ҳамкорликда янги қўша корхона ташкил этилди. Бу қўша

корхона «Зобит» деб номланди.

«Зобит» қўша корхонасида айна қўнларда 135 та нафар ишчи ўрни ташкил этилган бўлиб, дастлабки пайларда бу ерда йилига 340 миллион сўмлик 10 хилдаги тикучилик буюмлари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Қўша корхонанинг асосий мақсади вазирлик шахсий таркиби аскарлари ҳамда аҳоли учун арзон ва сифатли қийим-кечаклар етказиб беришдан иборат. Ўзаро шартнома асосида ташкил этилган бу корхонага малайзиялик ҳамкорлар 300 минг АҚШ доллари миқдорда «Зингер», «Тойота» каби дунёдаги етакчи фирма ва компанияларнинг энг замонавий технологик асбоб-ускуналар ва тикув машиналарини ўрнатдилар. Корхонада айна вақтда малакали чеварлар фаолият қўрсатмоқда.

Шоҳида БОБОЕВА.

БАХТИМИЗ ҚОМУСИГА БАҒИШЛАБ

Бахтимиз қомуси — Конституция қабул қилинганига 6 йил бўлмоқда. Шу муносабат билан Сергели тумани ҳокимидаги туман фаоллари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокда йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Конституциямизнинг афзалликлари, унинг ўз мукамаллиги билан жаҳон ҳамжамиятида муҳим ўрин тутаяётганига ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди. Бундан ташқари йиғилганларнинг саволларига батафсил жавоблар қайтарилди.

Собир Раҳимов туманидаги Маннон Уйғур номида 22-мактабда ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди.

Республикамиз Конституциясининг юзага келиш тарихи, асосий мазмун-моҳияти, унинг асосида чиққан қонунлар, Республика Олий Мажлисининг фаолият доираси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг конституциявий вазифалари тўғрисида кенг ва атрафлиқа фикрлар билдирилди. Ўқувчиларни қизиқтирган саволларга ҳам батафсил жавоблар қайтарилди.

«Конституция ва биз» мавзусидаги тадбир тумандаги 24-мактабда бўлиб ўтди.

Бугун

«Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимида Республика Конституцияси қабул қилинганининг 6 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда республикамиз Асосий Қонунининг аҳоли барча табақаларининг ҳаётида тутган ўрни, моддаларда акс этган маданий-маърифий ва миллий ўзига хос хусусиятлар, ҳар томонлама баркамол ҳуқуқий, демократик давлатни шакллантириш, юксак маърифий жамият қуриш борасидаги вазифаси, Конституциямиз ва умуминсоний кадриятлар тўғрисида сўз борди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Очил ҲАЗРАТОВ.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ!

Умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини муносабати билан шу йил 8 декабрда пойтахтдаги Мушаккилик майдони, Халқлар дўстлиги саройи мажмуи, Алишер Навоий номидаги академик театр олди майдони, Сайилгоҳ кўчаси, Шоирлар хиёбони, Мирзо Улуғбек майдони, Янги Сергели боғида Тошкент шаҳрининг энг яхши профессионал ва бадий ҳаваскорлик жамоалари ўз байрам концерт дастурларини намойиш этадилар. Бу ерларда байрам концертлари эртаб соат 10 дан кечқурун 18 гача давом этади.

Ташкилий кўмита.



«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» — СИЗНИНГ ЯҚИН ҲАМРОҲИНГИЗ

«Тошкент оқшоми» газетасининг савоқатли дўстлари ва қадрли муштарийлари!

1999 йил учун обуна мавсуми ниятисига етмоқда. Бинобарин агар сиз:

— шахримизда, мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган энг сўнгги ангиллардан бохабар бўлай десангиз;

— пойтахтимиз ҳаётининг турли жаҳаларида, яъни иқтисодиётда, соғлиқни сақлаш соҳасида, капитал қурилишда, ижтимоий соҳада, маданий ҳаётда, халқ таълими соҳасида ва бошқа қўлгана соҳаларда юз бераётган ўзгаришлар ҳақидаги ахборотларни билай десангиз;

— ҳуқуқшунос, руҳшунос, педагог, боғбон ёки косметологининг малакали масалаларини олай десангиз;

— дам олиш онларинида турмушда сабоқ бўладиган воқеалардан ўқиб ўзинга ҳулоса чиқарай десангиз, ёхуд бошқотирма машқларини бажарай десангиз;

— ҳафталма «ойнаи ҳақон» дастурига эга бўлай десангиз «Тошкент оқшоми» газетасига обуна бўлишга шояингиз!

Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, «Тошкент оқшоми» газетаси чакана савдога жуда ҳам қўлланган миқдорда

чиқарилади, шу боисдан бир ой дейсизми, бир чоракка, ярим йилгача ёки бир йилгача обуна бўлсангиз, шаҳар ҳаётига оид бўлган ҳамма керакли, зарур ва фойдали ахборотлардан ўз вақтида хабардор бўласиз.

Энди «Тошкент оқшоми» газетасининг (фақат Тошкент шаҳри аҳолиси учун) 1999 йил учун обуна нархлари билан танишингиз:

— Яқна обуначилар учун — индекс — 209.

Ҳў манзилига	Абонент қутисига
● 1 ойга — 196 сўм	172 сўм
● 3 ойга — 588 сўм	516 сўм
● 6 ойга — 1176 сўм	1032 сўм
● 1 йилга — 2352 сўм	2064 сўм

— Идоравий обуначилар (фирмалар, корхоналар ва ташкилотлар) учун — индекс — 563.

Ҳў манзилига	Абонент қутисига
● 1 ойга — 349 сўм	305 сўм
● 3 ойга — 1047 сўм	915 сўм
● 6 ойга — 2094 сўм	1830 сўм
● 1 йилга — 4188 сўм	3660 сўм

Обуна — 99

Обуна расмий-лаштириш учун маълумотларни 133-67-71 (ёниқ турдаги «Матбуот тарқатиш маркази» акциядорлик жамияти) ва 133-29-70 (тахририят) телефонлар орқали олишингиз мумкин.

Пойтахт аҳолиси учун обуна барча алоқа бўлимларида расмийлаштирилди. «Тошкент оқшоми» газетаси бугун республика бўйича ҳам тарқатилди. Ташкентнинг «Оқшом» газеталарига обуна қондалари ва обуна нархини республика шаҳарлари, қўрғонлари ва вилоятларининг аҳолиси ўзлари истикомат қиладиган жойдаги ёниқ турдаги «Матбуот тарқатиш маркази» акциядорлик жамиятининг бўлимларидан билиб олишлари мумкин.


Шундай қилиб, азиз дўстлар, ўзингиз севган ва қадрлаган «Тошкент оқшоми» газетасига обуна бўлишга шояингиз!

Ўзбек халқининг жуда кўп асрлардан буйн қилиб келган буюк орзуси — Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эришиши 1991 йил 31 августда ушалди. Шу кунни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. 1 сентябрь эса шу йилдан бошлаб мустақил Ўзбекистон Республикасининг таъкид товланган кун сифатида нишонланадиган умумхалқ байрами кун деб эътироф этилди. Шундан сўнг 1992 йил 8 декабрда Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Кенга-шининг XII чақириқ ўн биринчи сессиясида давлатимизнинг Асосий Қонунини — янги Конституциянинг қабул қилиниши буюк тарихий воқеа бўлди. Чунки ҳар қандай давлатнинг, халқнинг ёки миллатнинг мустақиллиги, дахлсизлиги ва ҳатто мавжудлигининг энг муҳим белгилари билан бири унинг Асосий қонунини — конституциясининг мавжудлигидир.

Тарихи қарийб минг йилларга тенг ўзбек халқининг ана шундай мустақил ва «ташқи таъсир ёки таъкидларсиз» ишлаб чиқилган конституцияга эга бўлганлигига бор-йўғи олти йил бўлди. Лекин шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, ўзбек халқи тарихида ҳам кўпгина Конституциялар ёки конституциявий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар мавжуд бўлган ва улар қадимда турли-хил номлар билан аталган. Умуман дунёдаги қайси бир давлатнинг келиб чиқишига назар ташлар эканмиз, у қачон ташкил топса ёки мустақилликка эришса дарҳол ўзининг Асосий қонунини ёки конституциясини қабул қилади. Чунки бундай қонун ушбу давлатнинг мустақил амал қилиши ва ривожланишида ҳуқуқий дастур бўлиб хизмат қилади.

Тарихимизда ўзбек давлатининг дастлабки ва муҳим, мустақил Асосий Қонунини айниқса буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темури номи билан боғлиқ. Маълумки, 1369 йил 8 апрелда Балхда йиғилган миллат мажлиси — Курултойда Амир Темури Мовароуннахрнинг ягона ҳокими этиб сайланган ва тез орада Ўрта Осиёда қудратли марказлашган давлатга асос солган.



Унинг томонидан яратилган давлатни бошқаришдаги Асосий Қонун — «Темури тузлари» оламшумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатдир. Ҳозирги кунда ҳам мазкур буюк ҳуқуқий ёдгорлиқнинг аҳамияти сақланиб қолган бўлиб, уни жуда кўп ҳорижий мамлакатлар, жумладан, Англия, Франция, АҚШ, Дания, Эрон, Хиндистон, Туркия, Миср, Яман ва бошқа давлатларда зўр қизиқиш билан ўрганишди. Темури тузларида давлат бошқарувидаги ташкил этилиши ва «одил судловни» амалга оширишга алоҳида эътибор берилган. Унда давлатнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш, амир ҳокимиятининг суверенлиги, вазирларнинг бурчлари ва вазифалари, улуслар акирлари ва туманлар ҳокимларининг бурчлари, давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини ва мамлакатдаги тинчликни ҳимоя қилиш, аҳолидан олинладиган солиқларнинг миқдорини, қўшинлар бошлиқларининг тайинланиши, мансаб кўтариллишлари ва мукофотланишлари ва ҳоказолар ҳақида мукаммал қоидалар баён этилган. Ҳеч шубҳа йўқки, мазкур ҳужжат ўз даврининг Асосий Қонунини — Конституция ҳужжати бўлган.

Ўзбекистон тарихининг кейинги даврларида ҳам алоҳида-алоҳида мустақил давлатлар ва уларнинг асосий қонунлари мавжуд бўлганлиги маълум. Бунда, айниқса, XVI асрнинг бошларида вужудга келган Бухоро ва Хива, кейинчалик ташкил топган Қўқон хонликлари назарда тутилмоқда. Бироқ юртимиз тарихида ўзгача шаклдаги, ўзгача мазмундаги Конституциялар ҳам мавжуд бўлганлигини яхши билимиз. Россиядаги Октябрь давлат тўғрисидаги натижасида Ўрта Осиёдаги мустақиллашқан ўлкаларда ҳам совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг юртимизда «большевистик қонунлар ва идора усули» жорий қилинган. Жумладан, Туркистонда 1918 йилда совет ҳокимияти ўрнатилиб, шу йилнинг Конституция қабул қилинган. Кейинроқ, 1920 йилда янги ишлаб чиқариб, жорий этилган. Ҳоразм ва Бухорога ҳам совет ҳокимияти «экспорт қилиниб», 1920-1921 йиллари уларнинг конституциялари ишлаб чиқилган ва орадан кўп вақт ўтмай, 1923-1924 йилларда биринчида ўзгартиришлар киритилган, иккинчисида янгиланган. Лекин Туркистон АССРнинг, Бухоро ва Хоразм «халқ» совет республикаларининг конституциялари Россиянинг 1918 йилги Конституциясининг бир нусхаси, андоза қилиб олинган бўлган эди. Ушбу Конституцияларда «халқларни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан мустақиллик, суверенитет белгиларидан асар ҳам йўқ эди.

Ўзбек халқининг яқин ўтмишига назар ташласак яна бир қанча Конституциялар ўйлаб топилганлигининг гувоҳи бўламиз. 1924 йилда 6-йўқи мустақил, суверен Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси барпо этилиб, 1927 йилда унинг биринчи Конституциясини қабул қилинган. Шубҳа йўқки, мустақиллашқан тизими замонавий услублар билан нибрилган. Кейинчалик эса 1937, 1978 йилларда янги Конституциялар ишлаб чиқилган. Лекин ушбу Конституцияларнинг ҳаммаси собиқ СССРнинг 1924, 1936 ва 1977 йиллардаги Конституцияларидан кўчирма эди, ҳолос. Уларда «Миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини», мустақиллик, суверенитет, демократия, иқтисодий адолат, ин-

сон ҳуқуқлари ва эркинликлари ва ҳоказолар ҳақидаги меъёрлар тантанали эълон қилинган бўлса-да, аслида булар ҳеч қандай воситалар билан амалда қафолатланмаган эди. Албатта, мустақиллашқан тизими шароитида бундай қафолатлар ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Зеро, яқин ўтмишимизда истиқлол учун, миллий мустақил давлат тузиш учун кураш олиб борган ўзбек халқининг ҳақиқий ҳақрамонлари «Халқ душманлари»га, «босқинчилар»га айлан-тирилганлиги, 30-йиллардаги мустақиллик ва унинг муҳим оқибатлари, «пахта иши», «Ўзбеклар иши», гдлан-ивановчилик ҳаракати туйфайли халқимиз бошига туширилган қўлфатлар ва ҳоказолар кечадигдек ёдимизда. Советча, коммунистча адолат, мустақиллик, суверенитет, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг «ҳимоя қилиниши» ва «қафолатланиши» ана шундай бўлган эди.

Юқоридаги совет Конституцияларидан Тубудан фарқ қилиб, мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган биринчи Конституцияси ўз мақсади, мазмуни ва моҳияти жиҳатидан таъминла янги ҳужжатдир. У ҳеч қандай ташқи таъсирсиз, бирон-бир нуфузли давлатнинг аралашувисиз, юртимизнинг ички табиий-ҳуқуқий, маданий-иқтисодий ва миллий-ирқий ҳусусиятларининг ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Асосий Қонунимиздир.

Ҳар қандай қонун, жумладан Асосий Қонун ҳам қанчалик келажакда ўзгаришлар ва қўшимчаларга кўп муҳтож бўлмаса, у мустаҳкам бўлади, халқ олдига обрў-эътиборга сазовор бўлиб, узоқ яшайди.

Шу нарсани зўр фахр ва мамнуният билан эътироф этишимиз мумкинки, жабон мамлакатлари Конституциявий қурилиш таърихисига улкан ҳисса қўша оладиган, ўзининг халқчилиги, адолатчилиги, демократиклиги, иқтисодий-сиёсий ҳаётининг ҳамма томонларини бекаму кўст қамраб олганлиги ва бошқа кўпгина ўзига хос жиҳатлари билан дунёга танилиб бораётган Конституциямиз жуда мукаммал ва пухта ишлаб чиқилганлиги тобора ёрқин намоён бўлиб бормоқда. Бу шуни англатадики, Асосий Қонунимиз жамиятимизнинг ва давлатимизнинг барча томонларини тўлиқ қамраб олган ва ҳаётга тобора чуқур сингиб, давлатимизнинг буюк келажиги учун ҳақиқий ҳуқуқий дастур бўлиб хизмат қилмоқда.


Шуни айтиб ўтиш жоизки, юртимизнинг ушбу оламшумул ҳужжати бирданга вужудга келмади ёки «осмондан тушмади». У ўзидан ўзбек халқининг узоқ ўтмишида оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, шаклланиб, сайқаллашиб келган гўят чуқур ва сермазмун анъаналарни муҳассамлаштириди ҳамда асрлар давомида мисқолаб қўлга киритган ютуқларни акс эттирди.

Маълумки, ёш, мустақил Ўзбекистон ҳозирги кунда ўзининг миллий давлатчилигини, ҳуқуқий тизимини янада шакллантириб бормоқда. Халқимизнинг асрлар мобайнида авайлаб сақланиб, шаклланиб, сайқал топиб келган ўз миллий урф-одатлари, расм-русум, удум ва анъаналари, гурури, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, ҳуқуқий онги, эътиқоди янада камол топмоқда. Улар эндиликда ягона марказдан бериладиган кўрсатмалар ва баландпарвоз шiorлар остида яшайдан озод бўлиб, ўтмишда поймол қилинган ўзарининг хах-хуқуқларини тиклашга киришдилар. Иқтисодда ва сиёсатда буюк бурилиш қилинди. Мамлакатимизда барқарор ва ҳалол бозор иқтисодиёти сиёсатидаги ўтиш, очик ташқи сиёсатга асосланган демократик ҳуқуқий давлатни барпо қилиш учун Конституциямиз мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор вазифасини бажармоқда. Конституция томи маънода ҳаётимизнинг Асосий Қонунига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлатимизнинг суверенитети, халқ ҳокимиятичилиги, конституция ва қонунларнинг устунилиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ҳамда уларнинг қафолатлари, жамиятимизнинг иқтисодий ва сиёсий негизи, давлатимизнинг ташкил этилиши таъминиллари ва мақсадлари белгиланган. Конституциянинг барча моддалари юртимизнинг кўп миллатли халқи фаровонлиги ҳақида, ер юзидан тинчлик ва барқарорлик ҳақида гамхўрлик қилиш қоялари билан суғорилган. Шу билан бирга Асосий қонун жамиятимизнинг бундан кейинги тараққиёт йўлини ҳам кўрсатиб беради.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг конституцияси бўлиши билан бирга халқчил Конституциядир. Шу сабабли унинг муқаддаслигидек Конституция ўзбек халқи томонидан инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети қоялари ҳисобидан қадрига кўтарилиб, қабул этилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шу нарсани қадрига сазоворки, Конституцияда белгиланган ҳар бир қонда, тартиб ҳозирги ва келажак авлодлар олдига юксак масъулиятни ҳис этиб, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таърибасига таянган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти
катта ўқитувчиси.
(Давоми келгуси сонда).



Шахримизнинг гавжум кўчаларидан бирида қад кўтарган бино.
Рустам Шарипов олган сурат.

Пойтахтимиз аҳолисига жабон андозалари даражасида савдо хизмати кўрсатиш борасида бугунги кунда савий-ҳаракатлар қилинмоқда. Албатта, ана шундай хизматни йўлга қўйиш учун замонавий савдо расталари қурилиб, улар хари-дор талаби асосида жижозланиши зарур.

Шахримизнинг Ўзбекистон шохқўчасида Абай кўчасидан Олмазор кўчасигача бўлган масофада ана шундай савдо расталари бунёд этилмоқда. Матбуотчилар, Афросиёб кўчалари, Хадра майдонида қад ростлаган кўркам савдо расталаридан андоза олган бу қурилиш уларнинг давоми бўлади десак янглишмаймиз.

Шу йилнинг ёзида шаҳар ҳокимияти қошидаги 4-капитал қурилиш бошқармаси буюртмасига асосан бошланган бу қурилиш майдонида айни вақтда ишлар қизиган бормоқда. Қурилишга «Сифат», «12-трест» хиссасдорлик жамиятлари ҳамда 8-, 9-қурилиш бошқармалари бунёдкорлари бош пудратчи этиб тайинланган. Ҳар бир қурилиш ташкилотининг ўз вазифаси бўлиб, ҳозирда улар ана шу ишларни сифатли адо этишга интилишмоқда.

Лойиҳада кўзда тутилган 15 та растаннинг 12 таси қурилиш давом этмоқда. Айниқса, 159-трестнинг 8-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари меҳнат қилаётган «С» ва «Д» блокларда ишлар авжида. Ҳар бир савдо растаси турли ўлчовдалиги билан бири-бирдан фарқ қилади, — дейди ишбоши Абдулхай Юнусов. — Бизнинг бошқармамизнинг

44 бунёдкорини бирлаштирган 2 та бригадаси 3 сменада меҳнат қилишмоқда. Шу билан биргаликда бизга 1-, 3-, 4- ҳамда 54-механизация бошқармаси аъзолари техника билан яқиндан ёрдам

қарашли ишлаб чиқариш комбинати жамоасининг ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар биз учун керакли бўлган темир-бетон буюмлари ва арматураларни пешма-пеш етказиб беришмоқда. Қурувчи-

Қурилиш

ЗАМОНАВИЙ САВДО РАСТАЛАРИ Ўзбекистон шохқўчасида қад ростламоқда

беришмоқда. Улар ўзларига бириктирилган майдонларда бўльдозер, автокран ва кўтарма кранларни мохирлик билан бошқариб қурувчиларимизга мададкор бўлишмоқда.

— Меҳнатимизнинг барака-ли бўлиши ҳамда жадалликни таъминлашда, — дейди бригадир ўқтам Турғунбоев ишбошининг сўзини давом эттириб, қурилиш материалларининг ўз вақтида етказиб бериладигани катта аҳамият касб этмоқда. Бу борада 1-, 8-темир-бетон буюмлари заводлари ва 159-трестга

ларимиз бу жамоа меҳнаткашларидан мамнун.

Бунёдкорлар «С» ва «Д» блоклардаги қурилиш-тиклаш ишларини янги йилгача тугатиб, пардозлашга тайёрлашлари лозим. Фурсат оз қолганини ҳисобга олиб улар кечаю кундуз қурилиш ишларини олиб боришмоқда. Айниқса, бир-бирига ҳамкорлик, ўзаро ёрдам яхши самара бермоқда. Электр пайвандчилардан Анатолий Верейкин, Мухтор Гайнулдинов, тикловчилардан Улуғбек Латипов, Геннадий Ивановлар

лик буюмларининг янаям эътиборини жалб этидиган бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Фирмамиз ёдгорлик буюмлари ишлаб чиқарадиган жамоалар орасида тобора ўз максадага эга бўлиб бормоқда, — дейди ҳусусий фирма раҳбари Максим Кривелев. — Чунки бу буюмларни

тайёрлашдан аввал тарихий манбалардан ўрганимиз ва уларга замонавий харидор дидига мос безак беришга интиламиз. Биз, айниқса, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» линиялари учун махсус ёдгорлик буюмлари яратаятганимиздан мамнунмиз. Махсулотларимиз доимо ўз харидорига эга — яъни рақобат-

бардошлиги билан ажралиб туриши учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Энг қувонарлики шундаки, рақобатбардор махсулотларни яратишда фирма жамоаси ўзимизнинг арзон хом ашёдан фойдаланади, шу билан бирга янги иш ўринлари ташкил этишмоқда. Шунинг билан таъкидлаш ўринлики, улар юртимизнинг маданий меросини ҳам ривожлантиришда улкан ҳисса қўшмоқдалар.

«Максим-Декор» фирмаси алоҳида ишлари маркази ҳамда Тошар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзосидир. Улар ўз махсулотлари билан тез-тез республикамизда бўлиб ўтаётган танлов ва кўргазмаларда қатнашиб туради. Шунингдек, улар яратган ёдгорлик буюмлари Португалия ҳамда Франция давлатларидаги кўргазмаларда муваффақиятли намойиш этилиб, кўпчилигининг эътиборини қозона олган. Улар «Ташаббус-96» танловининг шаҳар ва республика гóлиби саналди.

Бундай муваффақиятларга фирма жамоаси ўз раҳбарларини Максим Кривелевнинг тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги, ҳар бир хўнарамнинг самарали изланишлари боис эришмоқдалар. Уларнинг асли мақсади эса фирма фаолиятини янада кенгайтириб, махсулотларига доимий харидорларга эга бўлиш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли улуш қўшиб, миллий меросимиз намуналари орқали мустақил юртимизни жаҳонга танитишдир.

Шарифа ИЛЕСОВА.

СУРАТЛАРДА: хўнар устаси Н. Бугарева иш устида; Фирмада яратилаётган махсулотлар кишини берафқ қолдирмайди.

Рашид Галиев олган суратлар.

ПОЙДАН ЯРАЛГАН «МУЪЖИЗА»ЛАР



жаришда турли игналардан ҳам фойдаланишди.

Бугунга келиб ҳусусий фирмада 30 турдаги хилма-хил буюмлар тайёрланмоқда, уларнинг кўпчилиги эса патент олган. Шу билан бирга харидор диди ва талаби кундан-кунга ортиб бораётгани айни даврда янги изланишлар қилиш, махсулот турларини ва сифатини оширишни жамоа доимо эътиборда тутди. Махсулотларнинг ўзгача, харидоргир бўлишини таъминлаш учун хўнарамандлар уни безашда эндиликда ёғоч, латун, биллур ва марвариддан фойдаланмоқдалар. Бу нарсалар яратилаётган ёдгор-



Саноат

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Мамлакатимизда қозғога бўлган эҳтиёж йилгига 100 минг тоннани ташкил этади. Бу эҳтиёжни ҳисобга олган «Ўзбекқоз» хиссасдорлик жамияти жамоаси бозор иқтисодиёти шароитида имкон қадар изланиб меҳнат қилмоқда.

Бу корхонада республикамизда биринчи бўлиб пахта чикиндисидан қозғоз тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашё — целлюлоза ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Керакли хом ашёни ишлаб чиқарадиган цехнинг ишга туширилиши четдан келтирилган хом ашё — целлюлозанинг қарийб 25 фоизини шу ернинг ўзида тайёрлаш имкониятини яратди. Мазкур цехда ишлаб чиқарилган целлюлоза йилгига ўз навбатида 6-7 миллион АҚШ доллари тежаб қоллиша ёрдам беради.

Агарда цехга ўрнатилган янги линейлар тўла қувват билан ишга бошласа, йилгига 50 миллион Америка доллари тежаб қоллиниши мумкин. Янги цехни пахта тозалаш махсус конструкторлик бюроси ва «Ўзбекқоз» хиссасдорлик жамияти мутахассислари ҳамкорлигида барпо этилди. Ушбу цех йилгига 10 минг тонна целлюлоза тайёрлаб бериш қувватига эгадир. Бу кўрсаткич албатта республикамиз қозғоз саноати учун ижобий самара бериши аниқ.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, бу борада ҳам ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Бу — пул муаммосидир. Агарда бу муаммо ўз вақтида ечилса, янги йилнинг биринчи ярмида йилгига 20 минг тонна қозғоз чиқарадиган жиҳозларни ўрнатишга эришилади.

Хиссасдорлик жамиятида қўлланилган бу янгилик республикамизда қозғоз саноатини ривожлантиришдаги дастлабки қадам бўлиб, у шубҳасиз, соҳага катта иқтисодий самара келтиради. Унинг афзаллик томони шундаки, фақатгина пахта чикиндиларини эмас, балки сомон ҳамда қаноп чикиндиларидан ҳам целлюлоза ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Корхонада бугунги кунда йилгига 500 миллион сўмлик 6 турдаги қозғолар, картон ва турли хилдаги дафтар ва ёзув қозғолари тайёрланмоқда. Демак, пахта чикиндисидан целлюлоза ишлаб чиқаришни айнан шу ерда йўлга қўйиш бекжиз эмас. Бу билан корхонада қозғоз ва қозғоз махсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини оширишга муваффақ бўлинади.

Шарофат БАХРОМОВА.

Истиқлол шарофати билан шахримиз гўзаллашиб, гузарларимиз обод бўлмоқда. Мустақиллик олдимири билан баробар қадам ташлашга ҳаракат қилаётган халқимиз ҳам ўз маконларига сайқал бериб, чиройли бинолар тикламоқдалар. Бу таҳсинга лойиқ, албатта. Уларни кўриб қувонасан киши. Лекин уни меъёридан ошириб юборган кимсаларнинг ишини кўриб ранжийди одам.

Гап шундаки, ўша икки, уч қаватли саройининг ёнидан ўтаётганимизда бирор шовқалоқ хайдовчи машинада ўтиб қолса, қаёққа қочишни билмай қоласиз.

Айниқса баҳор ёки кишда ўйдим-чуқур қуцадаги қўлмакни сачратиб, дилингизни хуфтон қилиб ўтади. Шунда беихтиёр йўлакни қидириб қоласиз. Уни алақасангиз ўй эгаси ўзлаштириб, учаскатасига қўшиб олган. Ҳатто йўлак ёқалаб ўтган ариқларни ҳам қўшиб юборган. Шунинг учун ёгин-сочининг суви кўчаларда халқоб бўлиб, қаёққа оқиб кетган бўлиб, йўлакни қидириб қолган сувлар қаёққа оқди? Шубҳасиз қуцада халқоб бўлиб қўлмакка айланади. Худо кўрсатмасин ҳар икки томондан машина келиб қолгудек бўлса, бир-бири билан рақобат қилгандек газни пайсайтирмай балчиқни сачратиб ўтади-ю, яна қуцада юрганингиз учун ўзича ранжиб, бошини қимирлатиб, ўтганига нима дейсиз? Айтаверсангиз гап кўп!

Хурматли шахримиз фуқаролари! Ўз уйимиз орқасидан йўлак ва ариқчалар давлатга қарашли эканлигини унутиб қўйгангиз ушаймиз. Йўлак йўловчиларга ажратилганини билишимиз зарур. Энди ариқчалар бўйига гул ва райхонлар экиб қўйиш сиз-

нинг ҳимматингиз. Мевали дарахт экиб қўйсангиз, нур устига экиб. Аммо уни темир чамбарак билан ўраб, қўриқхонага айлантиришгиз инсофдан эмас. Хўш, ундан невараларимиз тановул қилса нима бўпти? Ахир улар Сизу бизнинг авлодларимиз. Қолаверса, дунёда савоб ишлар қилиш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг бурчи эканлигини унутмаслигимиз керак.

Хўш, шундай экан, бу ишларни ким бошлайди-ю ким бажаради? Назаримда бу ишларга маҳалла оқсоқолининг «тиши» ўтмаётган шекилли. Яқинда маҳалла-миз оқсоқоли бир қўшини-мизга «Уйингиз олдиндан ўтган ариқчани тозалаб қўйинг!» деган экан, у эса оқсоқоли ёмонлаб; «Оқсоқоли ўзгариши керак, ҳаммага ақл ўргатади, меннинг ишимга аралашмасин, ҳоҳласам тозалайман, бу меннинг ишим!» деб юрди.

Хўш, бунга нима дейсиз? Биз буюк давлат қуриш нияти билан яшаб, баҳоли қудрат ҳизмат қилмоқдамиз. Мазкур давлатнинг одамлари ватанпарвар ва халқтарвар бўлиши кераклиги ўз-ўзидан маълум. Бундай мамлакатнинг фуқаролари маданиятнинг, маърифатли ва бир-бирига меҳрибон, хўшмуомала ҳамда кенг феълли, бегарас, қалби пок инсонлар бўлишига, яна бир кўнгилдан ўтказиб қўйсак фойдаладан холи бўламиз.

Хўш, йўловчиларнинг йўлгига қаёқда қолди? Энди бу ишни қайси мард оталиққа олиб бажарди?

Барот ИСРОИЛ.

Тўй — тўқинчилик белгиси. У азалий одатларимизнинг энг гузали саналари. Бекорга ҳам ота-боболаримиз юзларига фотиҳа тортишганда «Амми-амми» яхши тўйларга етказсин, дея дуо қилишмайди. Бу гапнинг тагида катта маъно бор.

Таассуфки, сўнгги йилларда урф-одатларимиз шу қадар болалаб, даб-дабозликка айлиниб бораётгани, бу нарсани жамиятимизнинг аъзоларини беихтиёр уйга толдиришмоқда. Шу маънода баъзи кимсалар томонидан ким ўзарга айланиб бораётган тўй-хашамлар, тантана, маърака ва маросимларни тартибга солиш ҳақидаги Президентимизнинг Фармони халқимизнинг дили ва тилидаги гап бўлди. Ҳозир ушбу Фармон юзасидан жойларда кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Халқимиз табиатидаги ёт бўлган бундай хунук ҳолатларга чек қўйиш, олдини олиш юзасидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Маҳаллаларда тўй ўтказиш ҳайъати аъзоларининг ташкил топиши эса бу борада қўйилган дастлабки қадам бўлди.

Тўй деганда биринчи навбатда кўз ўнгимизга ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба, қўшиқ ва яллалар янграйдиган файзли хонадон келади. Зеро ҳеч бир тўй санъаткорсиз ўтмаган. Шундай экан шу ўринда баъзи бир мулоҳазаларни ўртага ташласак фойдадан холи бўлмас. Чунки тўйларимизнинг ҳар жиҳатдан тартибли ва кўнглилиги ўтиши санъаткорлар маънавиятига, иссоф дунёсига ҳам боғлиқ. Йилмон-эътиқодли, маданиятли, мазмунли сўз, халқимиз дидига мос бўлган куй ва қўшиқлари билан давргага фойда қиритадиган санъаткорлар ташриф буюрган тўйлар ҳар томонлама намунали ўтаётганлигига ўзимиз шохид бўлиб турибмиз. Аксинча бепардоз яллалари-ю, ер депсиниб ўйнашлар, ниқоҳ маросимларида келин ва кўвнинг ота-онасини, аммасидан тортиб ҳоласигача ўртага тақил этиб, шу орқали кистир-кистирни кўзлаб, мўмай пул ишлаб қолтириш ниятидаги маъна бузуқ отарчилар (халқимиз уларни шундай деб аташди) иштирокидаги тўйлар кўпгина даб-дабозликка айланиб, оқибати хунук жанжаллар билан тугаётганлигига ҳам ўзимиз гувоҳ. Энг муҳими йўлбошчимиз Фармонида таъкидлаганидек, бундай иллатлар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Келинг, бир сония олдинга назар ташлайлик. Илгарилари тўйхонага бир гуруҳ санъатчилар тақил этилганди холос. Улар тўйнинг охиригача беҳимнат хизмат қилишарди. Тўйбоши билан бозордаги сингари «Унча берасан, мунча берасан» деб баҳрлашиб ҳам ўтиришмасди. Даврада ашула бошланса авж пардадан олиб (у вақтда овоз кучайтиргич бўлмасди) авж парда билан тугатишарди. Хизматларига яраша ҳақ олиб шериклари билан баҳам қуришарди. Базмга келганлар ҳам мириқиб ашула тинглаб мени ҳам шундай тўйларга етказсин, деган ният билан уйларига қайтишарди.

Энди-чи? Овоз кучайтиргич бўлмас шўринг кургур қўшиқчининг овози эшитилмайди, Бехосдан «аппарат» узилиб қолса борми, ашула ҳам шу заҳоти таққа тўхтади. Даврада бемаза майнавозчиликлар бошланади. Бу ҳол то техника соз ҳолатга келмагунча давом этаверади. Баъзилар овоз нигорни шу қадар ўзларига яқин тутишадик, бериорқдан қараган кишига худди уни чайнаб юбораётгандек туюлади. Бунинг устига қани энди улардан бироз дурусткор қўшиқни эшитсангиз, Билганлари «Воҳай бола», «Ароқбой», «Кизбола», «Қаргалар» яна алламбалолар... На сўзига, на оҳангига

тушуниб етасиз. Ўртада гусур-гусур, ер депсиниб чанг кўтариб ўйнаётган оломон. Баъзан уларнинг қайси бири йигит, қайси бири қиз эканини ҳам ажратолмай қоласиз. Хўш, бундай тўйлардан кимга фойдаю, кимга зарар? Хай-хай, бу яллаларнинг яна димоғдорлигини айтинг. Хизмат ҳақини сўрасангиз омондан келишди. Ўртада тузук куруқ кистир-кистир бўлмаганлигидан нолиб тўйбошидан ортиқча пул талаб қилишадди.

Афсуски, бунисиға қоникмайдиганлар ҳам бор. Энди улар ўз тўйларини таърифта сизмас даражада ўтказмоқчи бўлишди. Тўй қилиш қанақа бўлишини ён-атрофдагиларга кўрсатиб қўйишмоқчи бўлишди. Бундайлар: «Давлат хизматигадаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорлар...» Улар ўтказиётган тўйларига унча-мунча машшоқ ва созандаларни эмас, балки фақат донгдор

«не бахти» манаман деган ўртакашлар орасида бундай шарафга унинг номзоди танланса! Яна кимникида денг, керакли бир мансабдор ахаконининг тўйида-я! Қолганлар жим. Ичидасини ташқисига чиқармаслик учун у-бу хизматни бажариб туришди. Бунда ҳам ўзгача маъно бор. Ахир «Фалончининг тўйида фалончи артист чой ташиб юрибди», дейиш ҳам тўйбошига бўлган садокатни белгилайди-да!

Яширмаймиз, яна бир тоифалар бор. Улар бой-бадавлат кишиларнинг тўйига боришмайди. (Бу ерда номерлари ўтмаслигини яхши билишди). Ўртамаёна оилаларнинг тўйларига (сал таниш бўлса бас) «Фақат фотиҳа ўқиб кетиш маъносидан» боришди. Кўпчилик бўлгандан кейин шинавандалар ҳам топилиб қолади. Дарров уни юқорига олишди, сийлашди. Ичкиликдан кўзи қизариб, қорни овқатга тўйгач, «Ҳеч бўлмаса еган-ичганимизни оқлаб кетайлик» (аслида «қутлуг уйдан куруқ кетма» демоқчи), бизга ҳам бир навбат теғармикин» деб шаъма қилиб қўйишди. Унга албатта навбат тегади. Чунки ўз оёғи билан келган тайёр, текин артист. Қўлига микрофон тегиши билан ўртани ўзиники қилиб олади. Шеър ўқийди, сўз айтиди. Тўйбошининг ота-бобосидан тортиб энг кичик аварасигача мақтов айтиди. Хамду санолар билан тўй эгаларини сеҳрлаб, оби-тобига келтириб олгач кейин «Муножот»-ми, «Тановар»-ми, ишқилиб кўёв-келинининг ота-онаси ўйнайдиган бир қўшиқни бошлайди. Қарияларни даврага тақил этади. Ана энди кўринг кистир-кистирни. Хуллас, оларини олгач кўнгли жойига тушиб: «Энди бизники ўзр. Борадиган жойимиз бор», дея тўйхонани тарк этади.

Яқинда қўшиқчиликдаги бир таниш санъаткор бўлган ёшма-ёш ўғириб қолди. Даврада ўтирган ўн-чоғли одам «Қани фалончи ака, бир зшитамизми?» дея ундан ашула талаб қилиб қолди. — Ҳе, йўқ, овоз чаток. Бўғилиб турибман, — деди у энасаси қотиб. — Ҳиргойи қилсангиз ҳам майли. Атаганимиз бор, — деди бир шинаванда.

Шу сўздан кейин у қўлига торини олди. «Фақат иккита қўшиқ айтиман. Кейин ўзларайсизлар», дея торини узоқ созлади. Палага овозда бошланган ашула пуллик тарелка даврани уч-тўрт айланиб ўтган ростмана авж олди. Ўтирганлар икки соатлар чамаси унинг «хизматидан» баҳраманд бўлишди. Шунда ундан сўради:

— Овоз чаток деддингиз?

— Эй ука, овозинг калити пул-да, — деди у ҳеч уялмай-нетмай хиринглаб.

Афсуски, санъатини фақат пул билан ўлчайдиган бундайлар шу соҳа фидойиларининг шаънига доғ туширишди. Мана шуниси ёмон.

Албатта тўй санъаткорсиз ўтмайди. Лекин ҳар нарсани меъёрида бўлгани яхши.

Ахир ҳеч бир замонда инсон кадр-киммати пул билан ўлчанмаган. Шунини унутмаслик керак.

Назаримизда тўйларда ўша эскидан қолган одатимизни қўлаб, даврага фойз қиритиш учун бир гуруҳ санъаткорларни чорлаганимиз маъқул кўринади. Қайси санъаткорни танлаш эса тўй эгаларининг ўзларига боғлиқ. Ана шунда ортиқча келди-кетдиларга ҳожат қолмайди. Тўй рисоладагидек тартибли ўтади. Пул сочишлар, беҳуда кистир-кистирлар барҳам топади. Бу тўйбоши учун ҳам, шинавандалар учун ҳам анча енгиллик туғдиради. Ўйлаймизки, юртбошимиз Фармонидан келиб чиқиб маҳаллаларда ташкил этилган тўй комиссиялари эътиборидан бу муҳим нарсани ҳам четда қолмайди.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ.

«Ёзувчи» нашриётида чоп этилган таниқли шоир Душан Файзий Зарафшонининг «Имом ал-Бухорий» шеърини романида буюк муҳаддиснинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Муаллиф Имом ал-Бухорий сиймосини ўзига хос тарзда яратиб, алломанинг кечмиш-кечирмишлари ҳамда таҳсинга сазовор меҳнатини шеърини сатрларга жойлаган.

Матбаа САТРАЛДАР АЛЛОМАЛАР СИЙМОСИ

«Чўлпон» нашриёти Имом ал-Бухорий тўплаган айрим ҳадисларнинг шеърини талқинини «Икки дунё саодати» номи билан 3 минг нусхада чоп этди.

«Икки дунё саодати» номли ушбу китобда ҳадисларнинг болаларга тааллуқли бўлганлари танлаб олинди, шеърини талқин қилинган ва зарур изоҳлар берилган. Китобни нашр этишдан мақсад — замонамиз кишиларини имон, одоб-ахлоққа, маънавий баркамолликка қорлашдир.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Ашраф Аҳмедовнинг «Аҳмад ал-Фарғоний» деб номланган китобини беш минг нусхада чоп этди. Муаллиф ушбу китобда олимнинг Ватани Фарғона минтақаси тарихи ҳақида махсус тўхталиб ўтади, чунки Аҳмад ал-Фарғоний билим асосларини ўз юртида олиб, шу ерда олим бўлиб шаклланган.

«Ўзбекистон» нашриётида эса Омонул-ла Бўриевнинг «Ал-Фарғоний ва унинг илмий мероси» китоби тўрт тилда: ўзбек, инглиз, араб ва рус тилларида нашрдан чиқди.

Назира ЖҲАЕВА.

Хабарингиз
борми?

«ФАРМЕД»ГА НУФУЗЛИ МУКОФОТ

Яқинда «Фармед» хусусий фирмаси «Сифат олтин юлдузи» халқаро мукофоти билан тақдирланди. Фирма бош директори Дилором Тошмухамедова Франциядан келиши билан унга бир неча саволлар бердик.

— Бундай нуфузли мукофот айнан «Фармед» фирмасига лойиқ қўрилгани хусусида гапирсангиз.

— Бу биз учун ҳам қўтирмаган ҳодиса бўлди. Ахир биз ҳеч бир кўрик-танловда иштирок этмаган, ҳеч ерга фаолиятимиз ҳақида ҳужжатлар юбормаган эдик. БИД халқаро комиссиясининг танлов комиссияси дунёнинг 60 та давлатиданги қатор фирмалар фаолиятини таҳлил этиб, сифат кўрсаткичлари ва халқаро ҳамкорлик фаолиятига асосланиб ўз хулосаларини эълон қилган. Дарвоқе, бундай мукофот Ўзбекистондан нафақат бизга, балки Олмалик тоғ-металлургия комбинати ва «Оби ҳаёт» фирмасига ҳам лойиқ қўрилди. Тантанали маросим Париждаги Конкорд Лафает залида ўтказилди. Бизга «Сифат олтин юлдузи», сертификат ва рақобат шарафотида махсуслот ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини мукамаллаштиришнинг 100 тамойили ҳақида маълумотлар тўпланган махсус қўлланма тақдим этилди.

Фирмамиз ташкил этилгандан бунён 5 йил вақт ўтди. Бу давр ичиди хорижий шериклар билан алоқаларимиз кенг тус олди. Хусусан, Германиянинг «Шеринг АО», «Аста медика», Австралиянинг «Эбеве», Франциянинг «Иннотек интернационал», «Санofi», Буюк Британиянинг «Смит Кляйн Бичем», АКШнинг «Ай-Жи-Ти», Бельгиянинг «Пай-



зёр», Венгриянинг «Медимпекс», «Гедон Рихтер» каби-лар билан алоқаларимиз мустаҳкам. Улар мамлакатимизга дори-дармонлар келтиришди. Бундан бир йил аввал 6 та омборхонамиз бор эди. Ҳозир улар сонини 34 тага етган.

— Бугунги кунда «Фармед» нафақат дори-дармонларни етказиш билан, балки ахборот, тарғибот ишларини ҳам олиб бормоқда...

— Албатта шундай. Ҳозирда бу борада қилаётган асосий ишимиз АКШнинг «Фючерс групп» фирмаси ёрдамида аёллар учун контрацептивлар масаласида «Қизил олма» дастурига асосан ишонч телефони йўлга қўйди. Келажакда оилани режалаштириш бўйича марказ ташкил этмоқчимиз. Унда малакали шифокор ва рухшунослар ишлашади. Шу мақсадда Франциядаги оилани режалаштириш ассоциацияси билан мулоқот ўтказдик. Келгусида улар билан ҳамкорлик қилиш ниятимиз бор. Бундан ташқари телевидениеда муаллифлик қўрсатувни ташкил қилганимиз.

— Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан хусусий секторни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада «Фармед» қандай ишларни

Мурод РАХИМОВ

суҳбатлашди.

СУРАТЛАРДА: «Фармед»

хусусий фирмаси бош директори Дилором Тошмухамедова; доришунос Зарафшон Нишоновни уш

та.

Рустам Шарипов олган

суратлар.



Хали бери менинг ёдимдан чикмайди ёшлигимда кўрган, эшитганларим. Ингирманчи йилларнинг бошланиш пайтлари Қорасувдаги Жўрабек маъити ёнида Умартақчи устахонасида от ва эшакларга тақа қоклаётган чоғи Оқ уй томондан ўк овозлари эшитилиб қолди. Биз болақайлар ўша томонга қараб чопиб кетдик...

Катта тош йўлда чанг, тўзон, қий-чувар... Ажабо бу нима экан?.. Ётиб борганимизда чамаси мингдан ортиқ махбўслар атрофини ураб хайдаб келаётган қўлини бешотар ушлаган соқчилар қўлини қўлини бўлаётган одамларни четлардан, нон бормоқчи бўлганларни қўнмоқчи бўлиб, осмонга ўқ ушларди.

Болақайлар шу оломон билан ўраллашиб кетганми? Қизикли шунки, олдинги қаторда соч-соқоллари ўсиб кетган саллали домла, эшонлар, узун қора кийимли поплар ҳам энма-ён боришарди. Улар Фарғона томондан одиб келинаётганини айтишди.

Шу нарсани кўз ўнгимда муҳрлашиб қолдиким, ақалки кўраги очик барваста мўйловли йигит овозининг борица юракдан чиқариб ашула айтиб боради.

Ислари гумин девори,

Деворида чумоли,

Чумолича йўқиди,

Аристоннинг уюли.

Қорасув гузарига қийнашганда

халиги дов йигит ашуласини баралла

авжга чиқариб, ҳаммани

ҳанжонга солди:

Ислари гумин девори,

Деворида мергани,

Етимчалар йилгади,

Қани дадам келгани,

Дев фиғон билан айтар, овози

ҳар энга тарқаларди.

Югургиллаб бораётиб, қаққонлик

билан онам берган нонини пайт пой-

лаб махбўсларнинг бирига тутқазганим ёдимда.

Сўнроқ отамдан билсам, уларни

Исфара турмасидан хайдаб

келишайтган бўлиб, шу яқин орадаги

кейинроқ хотинлар турмаси бўлиб кет-

ган Тўнсақорга қамашаркан ва шу ер-

дан бошқа турмаларга тақсим қили-

шаркан.

Мозий

ГУНОҲСИЗ

ГУНОҲҚОРЛАР

Сафга тизилиб арабг судралиб

бораётганларнинг орасидаги Қўноқна-

вада бир неча одам ортилган бўлиб, у-

стига эски палос ёпишган, буларнинг ўлиқ

ёки тирикчилигини бўлиб бўлмас эди.

Ана ўша одам қадри-қиммати ерга

урилган қатагон йилларда аразмас

нарсани уун бирор бахона билан ҳибсга

олишар одат тусига қириб қолган

эди. Машҳур эл севган ҳофиз Ҳамроқул

қори ҳам ҳақиқатга яқинроқ ашуласи

учун қамалиб кетган эди-да! Мана

унинг турмадаги айтган ашуласи:

Етаман махбўс бўлиб,

Уйланг аго тоқайгача,

Йўқ бўлиб йўқловчиси,

Мен бунда ётсам ахшиму?

Муттаҳамлар дастидан,

Тухматга ботсам ахшиму?

Айни меҳнатқашни даврида

Қамалсам ахшиму,

Етаман махбўс бўлиб

Уйланг аго тоқайгача?

Қамокдагиларнинг ташқи муҳит билан

алоқа қилишлари жуда қийин

бўлган. Бир дустим шу ҳақда менга

хикоя қилиб берган эди. Бир маҳал

бир неча ойлаб ётиб, ўзимнинг

беғувоқлигим ҳақида ҳеч ким ва ҳеч

каерга аризи долдини айтилмаган. Уйлаб

юрюб хат ёзишнинг иложини топан-

дай бўлиб қалам-қоғоз қидиришга тушган. Ҳоҳатхонада бир амаллаб

ўралган ўз дарди ёзилган «маъбу-

ни» чопонидан ситиб олинган иллар

билан бойлаб, устига бир инсофли

инсон уйимга етказар деган умидда

пайт пойлаб девордан ошириб отиб

юборган экан. Мана ўша виждонли

одам қўлига тушиб уйига етиб бор-

ган номанинг мазмунини:

Уйда уйдан судраб олиб чиқиб

кетайётганларидан тортиб зорланиб

ёзилган:

Етти йил тўрт яшар

Қолди менинг болаларим.

Бормикан бошини силаб,

Нон бергучи бронларим,

Йиллаб айтиди Хошимим

Дада қаерга борасиз?

Орқасидан Лолаҳон

Дадажон қаерга борасиз?

Йиллама жоним қўзим,

Турма деган жой бораман.

Тез ҳақиқат қилсалар

Сал қунда қайтиб келаман.

Турмага бориб жой олдим,

Олдиночка хонасидан,

Мен ётибман бунда ночор,

Душманларимни яғвосидан.

Яна ҳайли тош қўндан хайдаб

кетиллаётган бахтсизларда. Уларнинг

орасида унаиб Фитрат, Қодирий,

Чўлпон каби халқимизга маърифат,

ҳуқуқни сингдириб, уларнинг қўзини

очғучи билимдон оқиллар бўлганини

мана энди биламиз.

Педагогика институтида бизга

дунё адабиётини чуқур таништирган

домларим Ҳамид Сулаймон, ака-

ака Абдурахмоновларнинг ҳибсга

олингани ҳаёлимдан ҳеч кетмайдик!

